



▼ Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:

## ВЕТЕРИНАРЛАРГА ЭҲТИРОМ



Жорий йил Қозғистонда илк бор ветеринария ходимлари куни нишонланды. Вилоятимиздаги ушбу соҳа вакиллари тақдирланиб, байрам таддир ташкил этилди. Унда вилоят ҳокими ўринбосари Бейсенбай Тажибаев иштирик этиб, соҳанинг бир гурух илғор ходимларини табриклиди.

“Вилоятнинг энг яхши ветеринария” номинацияси билан Арис шаҳри, Қўйжатўқай қишлоғи ветеринария бекати мудири Бақит Малдиков, Ўттор тумани, Қарғали қишлоғи ветеринария бекати мудири Бекжан Сейдуллаев ва Сайрим тумани, Қорамурт қишлоғи ветеринария бекати мудири

Зухриддин Маҳбубековлар тақдирланиши. Шу билан бирга, бир гурух фуқароларга КР Қишлоқ хўжалиги вазири Айдарбек Сапаровнинг маҳсус фарҳий ёрлиги топширилди.

Байрам таддери вилоят санъаткорларининг концерт дастурига уланиб кетди.

## СЕРФАРЗАНД ОНАЛАР ДАВЛАТ ҒАМХЎРЛИГИДА



Арис шаҳри ҳокими Гулжан Құрманбекова кўп болали оналарни “Кўмис алқа” кўкракниши билан тақдирлайди.

Ушбу таддир она ва болага юксак ҳурмат ва эҳтиромни на-моён этиш мақсадида ташкил этилди.

Таддирда сўзга чиқсан ҳоким

кўп болали оналарнинг жамиятдаги ўрни ва меҳнатига алоҳида тўхтади.

— Биз бугун юртимизнинг

келажагини тарбиялаётган он-

аримизга эҳтиром кўрсатамиз. Кўп болали оналарнинг меҳнати залворли, улар нафасат фарзандлари, балки бутун бир жамият манфаати йўлида меҳнат қилишмоқда. Барчангизнинг хонадонларингизга файзу-барара тилайман, — деди шаҳар раҳбари.



## ДЕВОН РАҲБАРИ ТАКЛИФЛАРНИ ТИНГЛАДИ

Вилоятда “Халқ овозини тингловчи давлат” концепцияси доирасида вилоят ҳокими Дарҳан Сатибалди, унин ўринбосарлари ва девон раҳбари томонидан жадвал асосида аҳолини қабул қилиш йўлга кўйилган. Куни кеча вилоят ҳокими девони раҳбари Еркеғали Алимқулов ўзи раҳбарлик қилаётган соҳалар бўйича “Очиқ ҳокимлик” идорасида фуқароларни шахсий масалалар бўйича қабул қилди. Уларнинг таклиф ва талаблари тингланди.

Қабулга келган фуқаролар спорт соҳасига оид қатор масалаларни ўргата ташлади. Масалан, бир фуқаро паралимпиада ўйинларининг голибини бошланадан таъминлашларини сўради. Мурожаатчига давлат уй-жойларини бериш қоидалари тушунтирилди, бунинг учун ҳомийлар қараштирилиши айтildi. Туркистонлик бир фу-

каро “ArtSport” дастурини

давлат томонидан молиялаштириш масаласини кўтарди.

Вилоятда “ArtSport” лойиҳаси доирасида 16 минг нафар болани молиялаштириш учун маблаг ажратилган.

Тадбиркорга ахборот

тизимига тақдим этган

аризаси белgilanган та-

лабларга жавоб бермас-

лиги сабабли қайтарил-

ганилиги тушунтирилди.

## БУНЁДКОРЛИКНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

### ҚАРНОҚДА МАДАНИЯТ УЙИ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ

Қарноқ қишлоғида “Қишлоқ – эл бешиги” лойиҳаси доирасида 300 ўринли Маданият уйини қурилиши бошланди.

Бугунги кунда бу ерда пойдевор қўйиш ишлари олиб борилмоқда. Кентов шаҳри ҳокими Жандус Тасов қурилиш майдонига бориб, бинокорларнинг ишлари билан таниши.

Ушбу Маданият уйи икки қаватли, 300 томошабинга мўлжалланган. Бу ерда 85 одамга мўлжалланган клуб мажмуаси, маъмурий хўжалик бўлимлари бўлади. Маданият уйининг қурилиши 2025 йилда ниҳоясига етказилиб, фойдаланишга топширилади.



## ЯНГИЛАНИШЛАРДАН ЮКСАЛАЁТГАН ИҚТИСОДИЁТ



### ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИНИНГ ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИ 550 МИЛЛИОН ДОЛЛАРГА ЯҚИНЛАШДИ

2024 йилнинг 6 ойида вилоятимизнинг ташқи савдо айланмаси 549,4 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Ўтган йилга нисбатан бу кўрсаткич 80,1 млн. долларга ортган. Минтақа асосий савдо ҳамкорларининг рўйхатида Ўзбекистон Республикаси етакчилик қисса, Туркманистон иккинчи ўринда. Махсус ўтказилган матбуот анжуманида вилоят давлат даромадлари департаменти раҳбарининг ўринбосари Ерлан Турсолос кўйидагиларни маълум қилди.

— Вилоятимиздан экспорт қилинган асосий маҳсулотлар – паҳта, гўшт, сабзавот, қанд ва бошқалар. Асосий импорт маҳсулотлари таркибини сабзавот, озиқ-овқат, автомобилларнинг эҳтиёт кисмлари ташкил этади, — деди Е. Турсолос.

Департамент раҳбарининг ўринбосари божхона назорати бўйича маъмурӣ

## ЯНА КЕЛДИ СЕН КУТГАН ДАМЛАР



### 100 НАФАР БОЛА ОРОМГОҲДА ДАМ ОЛАДИ

Болаларнинг ёзги таътили давом этмоқда. Сайрим туманидан 100 нафар бола “Гаваи” ёзги дам олиш оромгоҳига йўлланма олди.

Туман таълим бўлими ходимлари йўл ҳаракати хавфисизлигини таъминлаган ҳолда ўқувчиларни дам олиш масканияга олиб кетиши.

“Қозғистон халқига” жамоатчилик жамғармаси хисобидан жорий йилда жами 300 нафар болага бепул чипталар берилди. Улар орасида республика ва вилоят олимпиадалари, спорт мусобақалари ва санъат танловлари голиблари ҳамда бошқа илгорлар бор.

## ЁЗ – ЎТМОҚДА СОЗ!

### ЎҚУВЧИЛАР “ҚОЗҒИСТОН ХАЛҚИГА” ЖАМҒАРМАСИ ҲИСОБИДАН ЛАГЕРЛАРДА ДАМ ОЛАДИ

Саригоч туман таълим бўлими мудири Даулет Акатор “Машат-Арасан” согломлаштириш марказидаги ўқувчилар билан ёркин мулоқотда бўлди.

Унда бўлим мудири ўқувчилар билан фикр алмашди, бугунги ўш авлод қандай бўлиши кераклиги тўғрисидаги фикрларини баён этиб, маслаҳат берди.

Таъқидлаш жоизки, жорий йилда “Қозғистон халқига” жамғармасининг лойиҳаси доирасида саригочлик 300 ўқувчига “Машат-Арасан” ўқув-согломлаштириш марказига йўлланма берилди.





Тафриклийиз!

## 50 ёш шукүхү

«Жанубий Қозогистон» вилоят ижтимои-сийси газетаси мухбари, ҚР Журналистлар уюшмаси аъзоси, «Тўнга», «Исроикоб илҳомлари», «Сонсизбоб садолари» тўпламларига шеърлари киритилган танини шоир, «Муҳабатни излаб...» номли назмий китоб муаллифи, Юрий Кунгурцев номидаги шеърият танлови лауреати, вилоят ҳокимининг «Жанашир журналист»

## Инсон ва жамият



номинацияси соординори, шоир Ҳуршид Ҳавазмат ўғли Қўчкоров (Ҳуршид Аваз) ни таваллуд айёми билан чин дилдан кутлайиз!

Унга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, оиласи фароёнлик, журналистлик фаолиятида улкан ютуқ ва зафарлар тилаб қоламиз!

ТАХРИРИЯТ.



«УШОҚ ҚАНД ОҚ ТУЗГА  
МОНАНД ЭРУР,  
ВА ЛЕКИН БИРИ ТУЗ,  
БИРИ ҚАНД ЭРУР».  
(Маъноси: «кўринишда шакарнинг туздан фарқи ўйқдир, лекин биттаси туз, бури қанддир»).

ЎЗИНГНИ ЎЗГАРТИРИШ ҚАНЧАЛИК  
ҚИЙИНЛИГИНИ ЎЙЛА, ШУНДА  
СЕН ҮЗГАЛАРНИ ҮЗГАРТИРА  
ОЛИШ ИМКОНИЯТИНГ  
ҚАНЧАЛИК ПАСТЛИГИНИ  
ТУШУНАСАН.

ВОЛЬТЕР.



“ХАЛОЛ ОДАМЛАР ҲАДДАН  
ТАШКАРИ ОЗ, ХАТТО ХУРМАТГА  
ЛОЙИҚ ОДАМНИ ТОПА ОЛМАЙСАН”.

Фёдор Достоевский,  
рус. ёзувчи.



“БАЛАНД ИМОРАТЛАР ҲАЛҚНИНГ  
ТУРМУШ ДАРАЖАСИ БАЛАНДЛИГИ-  
ДАРАК БЕРМАЙДИ”.

Муҳаммадали АҲМАД.



## МАҲАТМА ГАНДИ

(1869-1948 йилларда яшаган ҳинд мутафаккири ва давлат арбоби)



- Ўз тилини назорат қила олмайдиган кишига ишонч ўқ.
- Агар биз бутун дунёда тинчлик ўрнатишни истасак, ишни болалар тарбиясидан бошлишимиз зарур.

- Алдамчи охир-оқибат ўзини алдайди.
- Барча яхши шашар бора-бора ажойиб мөвсалар беришига қатиёнинг ишонаман.
- Дунё ҳар қандай кишининг эҳтиёжини қондириши учун етарили даражада кенг, лекин инсоннинг очкўзлигини қондириши учун эса жуда тор.



## Буаст ҳикматлари

(Пьер Клод Буаст,  
1765-1824 йилларда  
яшаган француз олими)

- Агар инсонларнинг ҳамма истаклалари рўёбга чиққанида, дунё дўзахга айланарди.
- Бахт таърифининг турли-туманлиги шуни кўрсатади, у бизга хотини нарса.
- Илмнинг чегараси уфқа ўхшайди, унга қанча яқинлашсан, шунча узоқлашади.
- Инсонлар бошига ёғиладиган кулфатларнинг деярли барчаси чексиз бахт, хузур ва ҳукмронликка эришисти истаги оқибатида содир бўлади.
- Китоб – китоблар ёрдамида ёзилади.
- Мард киши қийналса ҳам нолимайди, номард эса қийналмасдан олдин ҳам нолийди.
- Очкўзниң қалби ёмғир истаб турган уммонга ўхшайди.
- Разилнинг қувончи ҳалол кишини ташвишлантиради.
- Фикрлайдиган бош ҳеч қачон зерикмайди.


## Табобат

Қурилтилган мевалар организм томонидан жуда осон сўриладиган минераллар тўлпамини ўз ичига олади.

- Қурилтилган хурмо танани энергия билан таъминлайди. У кўлгаб дармондорларни ўз ичига олади, жумладан В5, Е.
- Қурилтилган нок организмдан заҳарли моддалар ва оғир металларни қувади, шунингдек, ичак фаолиятини яхшишайди.
- Анжир қалқонсимон безнинг ишлashingа ижобий таъсир кўрсатади, шунингдек, саратон ривожланиш хаёфини камайтиради.

Соч учун фойдали  
ЭФИР МОЙИ

- Соч учун эфир мойлари ўсимликлардан олинадиган ёлгардир. Ҳар сафар сочинизни юганингизда шампунга керакли эфир мойидан 1-2 томчи қўшинг.
- Сочинизни ҳар юганингизда бир томчи лавандада мойи қўшсангиз, қазоқ, қуруқ сочлардан халос бўласиц. Бундан ташқари, ёғли сочларни ҳам яхши парваришлайди. Соч тўклиши, уларнинг мўртлигини бартараф қиласади.



МАНЗИЛИМИЗ:  
160000, Шимкент шахри,  
Тауке хан шохжӯчаси, 6-йи, 3-қават.  
Телефон: 53-07-10. Телепфакс: 53-04-66.  
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсатчи – 65466. Адади – 11200 нусха.

Буорта: 1703. Навбатчи мухаррир: Мунира САҶДУЛАЕВА.

4



Маъноси: «кўринишда шакарнинг туздан фарқи ўйқдир, лекин биттаси туз, бури қанддир».

«Жанубий Қозогистон» вилоят ижтимои-сийси газетаси мухбари, ҚР Журналистлар уюшмаси аъзоси, «Тўнга», «Исроикоб илҳомлари», «Сонсизбоб садолари» тўпламларига шеърлари киритилган танини шоир, «Муҳабатни излаб...» номли назмий китоб муаллифи, Юрий Кунгурцев номидаги шеърият танлови лауреати, вилоят ҳокимининг «Жанашир журналист»

## Ёшлар – келажак бунёдкорлари

Шимкент шаҳар ўзбек драма театрида «Сайрам» коллежи битириувчилари иштирокида «Оқ йўл, ёш мутахассис!» мавzuйда хайрларни кечаси ўшитирildi.

2007 йилдан бўён фаолият юритаётган «Сайрам» коллежи ўрга бўғин тибиёт мутахассисларини тайёрлайдиган пешқадам таълим масканларидан бири. Мазкур ўқув даргоҳини шу кунгача тамомлаган 5 мингдан зиёд йигит-қиз бугунги кунда Туркистон вилояти ва Шимкент шаҳрининг турли тибиёт мусасасаларида самарали фаолият юритмоқда.

Тадбирда дастлаб сўз олган коллеж мусасиси, тибиёт фанлари доктори, профессор Амирхан Баймагамбетов, дин-



ректор Жанара Амирханқизи, давлат ва жамоат арбоби Фахриддин Қоратоев, маданият соҳаси фаҳриси Абубакир Хонхўжаевлар битириувчилар ва



ота-оналарни табриклаб, эзгу ниятиларни изҳор қилишиди.

Шунингдек, Сайрам туман маслаҳати депутати М. Сиддиқов, Тўлебий туман ўзбек этно-

Х. Дўсматов, «Муҳрагер» ташкилотининг Сайрам даҳаси бўйича раҳбари А. Шомираев, шаҳар ўзбек драма театри директори вазифасини бажарувчи Р. Саидхўжаевлар сўзгич чиқиб, коллежнинг ютуқлари залворли эканлигини таъкидлаши.

Эслатиб ўтамиш, жорий ийли ушбу масканни тамомлаган жами 459 нафар талаба ўтара бўғин тибиёт соҳаси мутахассислигидан бўлди.

Тадбир коллеж талабалари томонидан тайёрланган концерт дастури билан давом этиди.

## 3. АҲМАДЖОНОВ.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ БИЛИМ МАСКАНИ  
“САЙРАМ” ТИБИЁТ КОЛЛЕЖИ

“Сайрам” коллежи вилоят таълим департаментининг 2007 йили 23 августраси №0038304 АД давлат лицензияси асосида ташкил этилган.

Ўрта бўғин тибиёт мутахассисларини тайёрлайдиган пешқадам таълим масканларидан бири “Сайрам” коллежи 2007 йили очилган.

Мажлислар зали, кутубхона, электрон кутубхона, ётни спорт мажмуаси, ошона, тибиёт пункти, ётқозона мавжуд.

Таълим масканидаги тибиёт фанлари докторлари ва номзодлари, профессорлар, доцентлар, олий тоифали шифокорлар дарс беришади.

Коллежда шунингдек, таълим, тибиёт фанлар, соғлини сақланинг асосий соҳалари бўйича ўтара бўғин тибиёт ходимлари малакасини ошириш бўлими фаолият юритади.

## ҮҚИШ МУДДАТИ

11-синф асосида 2 йил 10 ой.

9-синф асосида 3 йил 10 ой.

## ХУЖЖАТЛАР:

1. 3x4 жамъдаги фотосурат (4 дона);
2. Ўқишига кириш тўғрисидаги ариза;
3. Маълумоти тўғрисидаги хужжатнинг асли нусхаси;
4. №75 намунасида тибиёт маълумотнома;
5. 09140100 Лаборатория диагностикаси

МАНЗИЛ: Шимкент шаҳри, Сайрам даҳаси, А. Темур кўчаси, 204-йи. Электрон манзил: kolledj\_sairam Tel.: +77013530643, +77763710371, +77471579050, +77479372410, +77027863920, +77078933403, +77752283130.

УМИДЖОННИНГ  
УМИДЛАРИ ОҚЛАНДИ

26 июнь-7 июль кунлари Россия Федерациясининг Якутск шаҳрида ўтган Осиё болалари ўйинларида Қозогистон терма жамоаси таркибида енгил кураш мусобақаларида иштирок этган сайдрамлик Умиджон Муроджонов 68 кг. вазнда кумуш медалга сазовор бўлди.



Шимкент шаҳри шарафини ҳимоя қилган яна бир полвон – Нурлибек Абдиразак, бронза медалини кўлга киритди.

Умиджон Муроджонов 12-сонли Болапар ва ўсмилар спорт мактабининг тарбияланувчи. Унга кураш сирларини ўргатадиган мураббий Шерзод Дадаматов Россияда ўтдиган йирик мусобақага ҳам муносиб тайёрлабди.

“Жанубий Қозогистон” мухбари.

У. Муроджоновни ўзи таълим олган Зиёмат Ҳусанов номли мактаб раҳбари, устоз-мураббийлар, «Муҳрагер» жамоат бирлашмаси аъзолари, ёш спортилар, маҳалладошлари катта тантана билан кутиб олишиди.

Газетадан 2020 йил 21 апрелда рўзигашта оптиги, KZ34VPY00022503 гуеҳонма берилган.

«ERNUR-print» МЧБ босмаконасида чоп этиди.

Буорта: 1703.

Нашр кўрсатчи – 65466. Адади – 11200 нусха.

Директор –  
Бош мұхаррир учун  
Муроджон АБУБАКИРОВ.

Бош мұхаррир ўринбосарлари:  
Муроджон АБУБАКИРОВ.  
Авазхон БҮРОНБОЕВ.

Масъул котиба – Шахноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:  
Туркестон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.  
Кентов, Сўзок – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.  
Қазигурт – Ҳуршид КЎЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.  
Сайрам – Зокиржон МУМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90.  
Тулибово – Саъдуллаевна. +7747-144-60-71.  
Жетисай, Мактабар – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-91.  
Келес, Сариогоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-